

5. Беилин И.Л., Хоменко В.В. Экономическая оценка оптимальной производительности инновационного предприятия с учетом цикличности его развития. // Вопросы инновационной экономики. 2018. № 3. С. 499-512.
6. Бытова А.В., Скипин Д.Л., Быстрова А.Н. Оценка инвестиционной привлекательности предприятия: методический аспект. // Российское предпринимательство. 2017. № 22. С. 3577-3592.
7. Веревка Т.В. Оценка эффективности хозяйственно-финансовой деятельности и результативности управления высокотехнологичных предприятий. // Российское предпринимательство. 2018. № 2. С. 445-456.
8. Волков А.И. Оценка бизнеса при управлении его стоимостью. // Российское предпринимательство. 2012. № 24(222). С. 68-75.
9. Гареева Н.А. Оценка финансово-экономического потенциала инновационного предприятия с помощью моделей с высоким уровнем чувствительности. // Креативная экономика. 2017. № 11. С. 1171-1194.
10. Геращенко И.П. // Креативная экономика. 2009. № 8. С. 116-123.



МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШНИНГ АҲАМИЯТЛИ ТОМОНЛАРИ

doi:

https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss1/a50

Рузиева Дилюбар Исомжоновна
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети в.б.профессор,
иқтисод фанлари доктори (DSc)

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес субъектларининг ўрни, уларга яратилган имкониятлар, иқтисодий ўсиш суръатларини оширишга таъсирни, кичик бизнес субъектлари фаолияти йирик ишлаб чиқариш корхоналарига нисбатан иқтисодий-ижтимоий жиҳоздан устунлик даражаси ва миллий иқтисодий барқарорликни таъминлашда кичик бизнес субъектларини инвестициялашнинг аҳамиятли томонлари келтирилган.

Калим сўзлар: кичик бизнес, тадбиркорлик, рақобатдошлик, эркин рақобат, макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсиш, инвестиция, кластер, ризк, кўрсаткичлар вариативлиги, иқтисодий интеграция.

ВАЖНЫЕ АСПЕКТЫ ИНВЕСТИРОВАНИЯ СУБЪЕКТОВ МАЛОГО БИЗНЕСА В ОБЕСПЕЧЕНИЕ СТАБИЛЬНОСТИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ

Рузиева Дилюбар Исомжоновна
Тошкентский государственный
экономический университет
и.о.профессор, доктор экономических наук

Аннотация. В данной статье представлены роль субъектов малого бизнеса в экономике страны, возможности, создаваемые для функционирования малого бизнеса, влияние малого предпринимательства в повышении темпов экономического роста, уровень экономического и социального превосходства субъектов малого бизнеса по сравнению с крупными предприятиями обрабатывающей промышленности, а также важные аспекты инвестирования субъектов малого бизнеса в обеспечение стабильности национальной экономики.

Ключевые слова: малый бизнес, предпринимательство, конкурентоспособность, свободная конкуренция, макроэкономическая стабильность, экономический рост, инвестиции, кластер, ризк, изменчивость показателей, экономическая интеграция

**IMPORTANT ASPECTS OF INVESTING SMALL BUSINESSES IN ENSURING
THE STABILITY OF THE NATIONAL ECONOMY**

*Ruzieva Dilobar Isomjonovna
Tashkent State University of Economy
acting professor, doctor of economics*

Abstract. This article presents the role of small businesses in the country's economy, the opportunities created for the functioning of small businesses, the influence of small businesses in increasing the rate of economic growth, the level of economic and social superiority of small businesses compared to large manufacturing enterprises, as well as important aspects of investment small businesses to ensure the stability of the national economy.

Keywords: small business, entrepreneurship, competitiveness, free competition, macroeconomic stability, economic growth, investment, cluster, risk, variability of indicators, economic integration.

Кириш. Мамлакат макроиктисодий барқарорлигини таъминлаш борасида кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиявий ва ҳукуқий жиҳатдан давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, ушбу жараёнлар самардорлигини оширишга, қулай бизнес мұхитини янада яхшилашга, пул-кредит механизмларидан самарали фойдаланишга, кичик бизнес субъектларини замонавий инвестициялаш йўлларини жорий этишга, уларни давлат томонидан тартибга солишнинг пул-кредит механизмларидан самарали фойдаланиш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш бўйича кенг имкониятлар яратиш, янги инновацион ғояларни ва технологияларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиши юзасидан кенг қамровли тадқиқот ишлари амалга оширилиб келинмоқда.

Бизга маълумки, мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлашда кичик бизнес субъектларининг ўрни беқиёсdir. Бугунги кунда 2023 йил 1 январь ҳолати кўра юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) сони жами 523 556 тани, шундан янги ташкил этилганлари 90 177 тани ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 60,8 мингтага кўпайган ёки 13,1 % га ошган. Кичик тадбиркорлик субъектларининг сони ҳар 1000 аҳолига 17,9 бирликни [12] ташкил қилаётганлигидан кўриш мумкинки, Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш суръатларини ошириш орқали миллий иқтисодий барқарорликни таъминлашда кичик бизнес субъектлари фаолияти имкониятларидан кенгроқ фойдаланишга эътибор қаратилмоқда. Бу борада “эркин рақобат мұхитини шакллантириш ҳамда тадбиркорларга хом ашё сотиб олиш учун тенг имкониятлар яратиш, давлат харид-

ларида қатнашувини ошириш, аввало, рақобатдош саноат занжирини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларни инвестициялашни кучайтириш макроиктисодий барқарорлик ислоҳотларининг мустаҳкам пойдевори”[2] сифатида белгилаб берилди. Бу эса кичик бизнес субъектларида инвестиция фаолияти мұхитини, ташкилий-иқтисодий механизмларини бозор талаблари асосида такомиллаштириб бориш, уларнинг иқтисодий ҳолатларини ўрганиш, уларда вужудга келиши мүмкин бўлган рискларнинг олдини олиш, рақобатдошлигини таъминлаш, хорижий мамлакатлар кичик бизнес фаолиятида ижобий тажрибаларидан фойдаланиш йўналишларини, ривожлантириш заҳираларини ҳамда истиқболли ривожлантириш масалаларини татбиқ этиш дол зарб масалалардан ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Мамлакат макроиктисодий барқарорлигини таъминлашда инвестициялар, уларнинг макроиктисодий барқарорлигини таъминлашда ва ишлаб чиқаришни иқтисодий ўсишдаги ўрни инглиз иқтисодчиси Ж.Кейнс “бозор иқтисодиёти шароитида макроиктисодий барқарорликни таъминлашда давлат хусусий инвестицияларни, давлат буюртмалари тизимини кенгайтириш, ижтимоий ҳаражатларни ўстириш ҳисобига рағбатлантириш зарур деб ҳисоблади Ж.Кейнс даромадлар ва янги жамғармаларни ташкил топиши учун, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун пул жамғармалари эмас балки инвестиция кўйилмалари ташкил этади деб ҳисоблаган. Буни мулътиликатор самарадорлиги деб атаган Ж.Кейнс аҳолини тўлов қобилиятини ошириш йўлларидан бири меҳнатга лаёқатли аҳолини иш жойлари билан таъминлаш, уларнинг номинал иш хақларини ошириш деб ҳисоблаган. Ж.Кейнс иқтисодий ўсиш модели давлат молиясига, яъни давлат томонидан

ҳаражатларнинг ўсишига, ўсиб борувчи солиқлаштириш тизимида ва бюджет камомадига асосланган. Хулоса қилганда инвестицияни ўсиши аҳоли бандлигини ўсишига олиб келади [3].

Ж.Кейнс назариясини американлик иқтисодчи Э.Хансен иқтисодни цикллик назариясига унинг коэффициентини қўллаш асосида иқтисодий танглик ҳолатида инвестиция ҳаражатларини қўпайтириш ҳисобига ва ортиқча ишлаб чиқариш босқичида инвестиция ҳаражатларини камайтириш ҳисобига давлат ишлаб чиқариш ваахолининг меҳнатга яроқли ресурсларини даврий тебранишларининг олдини олиши мумкинлигини очиб беради[4].

Нобель мукофоти лауреати американлик иқтисодчи олим Р.Солоу ўзининг ишлаб чиқариш моделида барқарор ўсиш суръатини таъминлаш, истеъмолнинг юқори даражада хажмини топиш, аҳолини ишлаб чиқаришга жалб қилиниши ўсиши ва янги ишлаб чиқариш технологияларини қўллашни иқтисодий ўсишга таъсирини ўрганиб қуйидаги илмий-назарий хуносага, яъни унинг иқтисодий ўсиши модели инвестициянинг катта ҳажмига миллий даромаддаги жамғарма нормасининг юқорилиги ва аҳоли жон бошига даромад кўпайшига мувофиқ келишига асосланган[5].

“Экономикс. Принципы, проблемы и политика” дарслиги муаллифлари Макконнелл Кэмбелл Р., Флинн Шон Масака ва Брю Стэнли Л. инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотларни ишлаб чиқаришдаги ва иқтисодиётнинг ўсишини таъминлашдаги ролини таҳлил қилиб, уни асосан икки омилга: тадбиркорларнинг ҳаражат қилган инвестицияларга олинадиган фойда нормасига ва олинган инвестиция маблағлари учун тўланадиган фоиз миқдорига боғлиқ эканлигини қўрсатиб берганлар[6]. Бундан ташқари, инвестиция ҳаражатлари: тадбиркорлар томонидан сотиб олинадиган машина, асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш технологиялари ҳаражатларидан, барча қурилиш ҳаражатларидан ва заҳираларининг ўзгариши ҳаражатларидан ташкил топади деб ҳисоблайдилар ва ҳарид қилинган машина, асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш технологиялари, янги қурилган обьектлар, қўпайган захиралар инвестиция товарлари деб ҳисоблаганлар[7].

Иқтисодчи У.М.Джумаев фикрича кичик бизнес субъектлари фаолиятида иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган инновацион янгиликларни ишлаб чиқиш ва уни сотиш учун инновацион жараённи бошқариш зарур, деб ҳисоблайди. Шу билан бирга инно-

вация, фаол янгиликлар ишлаб чиқариш корхоналарини инновацион жараёни натижасидир[8].

Д.Фозибеков инвестицияни макроиқтисодий даражадаги ўрнини назарий жиҳатдан қуйидаги таърифлаган: «макроиқтисодий даражада инвестициялар, ишлаб чиқариш воситаларини такror ишлаб чиқаришга, уй-жой фондини, товар захираларини ўстириш ва шу кабиларга сарф қилинган чиқимларининг бир қисми, яъни ялпи ички маҳсулотнинг капитални ўстиришга қаратилган ва жорий даврда ишлатилмаган қисми»дир деб таърифлайди[9].

К.Шарипов кичик бизнес таркибий тузилмаси – бу ўзининг асосий фаолияти жиҳатидан умумиқтисодий шарт-шароит ва имкониятларнинг табиий ва қонуний тавсифдаги чекланганлиги шароитида амал қилувчи муайян хўжалик юритиш соҳасига кирувчи иқтисодий субъектларнинг функционал, тармоқ, минтақавий (худудий), ижтимоий-иқтисодий, ташқи иқтисодий ва бошқа тавсифларига кўра ихтисослашган ва муайян нисбатда шаклланган тузилмалари мажмуи[10].

Юқоридаги олимлар билан биргаликда А.Смит, Й.Шумпетер, Х.Гросс, Р.Бруксбенк, В.Хюбнер, Р.Хизрич, М.Питерс, А.Хоскинг, Г.Жоунз, П.Друкер, П.. Стивенсон, Р.Червітз, А.Н.Асаул, П.А.Гурянов, Л.Багиев сингари хорижий олимлар ва мамлакатимизнинг бир қатор олимлари томонидан республикамизда кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш, шу билан соҳага киритилаётган инвестициялар самарадорлигини ошириш борасида қатор илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

Мамлакатда иқтисодий ўсиш суръатларини ошириш орқали миллий иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва бунда кичик бизнес субъектлари фаолиятини инвестициялаш тўғрисида берилган хорижий ва ўзбекистонлик олимларнинг назарий таърифларини ўрганиш асосида биз қуйидаги фикрга келдик. Инвестиция бозор иқтисодиёти жараёнининг маҳсус ижтимоий-иқтисодий категорияси бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтириш, меҳнатга яроқли аҳоли қисмини иш ўринлари билан таъминлаш ва аҳолининг ўсиб бораётган истеъмол талабларини қондиришни таъминловчи пул капитали тариқасида ифодаловчи қийматдир, деб ҳисоблаймиз. Инвестиция ҳаражатлари макроиқтисодиёт даражасида инвестиция товарларини яратади. Бу товарлар эса ўз навбатида макроиқтисодиётни актив капиталларига айланади.

Инвестиция бу ялпи ички маҳсулотнинг бир қисми бўлиб, иқтисодий ўсишни таъминлаётган инвестиция ҳаражатларини ўшишини билдиради.

Методология. Илмий мақолани ёритишида кичик бизнес субъектлари фаолиятини инвестициялашга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳалардаги таниқли олимларнинг илмий асарлари, уларнинг мазмун, моҳияти ўрганилиб, мазкур секторни ривожлантириш ва бунда илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганишни ифодаловчи мавжуд кўрсаткичлар статистик таҳлил қилинди. Шу билан бирга, тадқиқот жараёнида мавзуга оид статистик маълумотлар ва назарияларни ўрганишда мантиқий фикрлаш, илмий мушоҳада, тизимли ёндашув, статистик ҳамда қиёсий таҳлил каби усуллари қўлланилган. Мавзуни ёритишида илмий техникавий ахборот манбаларидан, яъни дарслклар, ўқув қўлланмалар, хорижий адабиётлар, даврий матбуот, илмий-амалий анжуман тўпламлари ва интернет маълумотларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. “Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожида алоҳида ўрин эгаллайди. Мустақиллик йилларидаги тараққиётимиз мисолида шуни ҳеч иккиласдан айтиш мумкинки, бу соҳани ривожлантирмасдан, унга тегишли кўмак ва рағбат бермасдан, зарур имконият, имтиёз ва преференциялар яратмасдан туриб, биз иқтисодиётимизнинг келажагини таъминлай олмаймиз”

[1] Кичик бизнес соҳаси миллий иқтисодиётнинг ажралмас ва узвий бир қисми бўлишига қарамасдан, соҳанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда, айrim иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар маълум даражада хусусий тарзда ифодаланувчи қонуниятларни ҳам намоён этади.

Кичик бизнес тадбиркорликни инвестиациялаш бўйича жаҳон иқтисодчи ва республика олимларининг унинг категорияларини ўрганиш асосида берган услубий тушунчалари орқали қўйидаги хulosага келдик. Бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган иқтисодий ривожланишни турли мулкчилик эгалиги асосида ишлаб чиқариш жараёнини

ташкил этиш эркин рақобат асосида олиб борилиши натижасида улар томонидан ишлаб чиқариш жараёнини инвестициялаш ва ишлаб чиқаришни инновацион ривожлантиришга катта эътибор берилади.

Жаҳон банки маълумотлари бўйича ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлган бандлик 54 фоизни яъни ички маҳсулотни ишлаб чиқаришдан 189 мамлакатни 2017 йилдаги бизнесини таҳлили натижасида бўлган бандлик Англияда 54 фоизни маҳсулот ишлаб чиқаришда 50,2 фоизни ва ишлаб чиқаришни олиб бораётган корхоналар 96,8 фоизни кичик ва ўрта тадбиркорлик корхоналарига тўғри келган[11].

Иқтисодиётни индустрIALIZациялаш асосида ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантириш учун сарфланадиган корхона капиталлари инвестиция капиталлари бўлиб, у ишлаб чиқариш ва инсон капиталини инвестиациялашга бўлинади. Инвестиция маблағларининг маълум қисмини инсон капиталини интеллектуал даражаларини ошириш асосида ишлаб чиқариш жараёнини инновацион тарзда янгилаш асосида янги истеъмол бозорлари учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулот товарлар инвестиция ҳаражатларини натижасини ифода этади деб ҳисоблаймиз.

Кичик бизнес тадбиркорлиги қандай мулк шаклларида фаолият олиб боришидан қатъий назар, фаол иқтисодий ишлаб чиқарувчилар бўлиб ҳисобланади. Тадбиркорлик ва бизнес мустақил иқтисодий категориялар бўлиб, ўзларини шахсан жавобгарлиги остида мавжуд хавф ва хатарларни тан олган ҳолда фойда олиш яъни иқтисодий манфаатдорликка эга бўлишга интиладилар. Уларнинг фаолияти эркин рақобат курашига асосланган бўлиб, мамлакат иқтисодиётини иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришда янги иқтисодий самарали йўли деб ҳисоблаймиз.

Бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнес тадбиркорлиги фаолиятини амалга оширишда айрим камчиликлар мавжуд бўлиб, уларнинг бозор қонуниятига амал қилмаслиги, иқтисодий жиҳатдан инқирозга учрашига сабаб бўлади. Бунда кичик бизнес тадбиркорлиги фаолиятларини ташкил этиш ва олиб боришида тадбиркорлик маҳоратларининг етишмаслиги асосий сабаблардан бири бўлиши мумкин. Бизнес тадбиркорликка нисбатан кенг иқтисодий маънога эга бўлиб, у фойда олиш учун маълум бир иш билан шуғулланишни ифодалайди. Бизнес фаолияти Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган қонунлар орқали бошқарилади. Биз-

нес бир неча ташқилий-хуқуқий шаклларга эга. Жумладан, якка ҳолатда мулқдор бўлиш ва бизнесни олиб бориш, бир нечта капиталлар улушларининг акционерлар жамиятига қўшилиши ва бизнес фаолиятларини олиб бориши мумкин. Акционерлар жамиятида ҳар бир субъект шу жамиятни ташкил топишида қўшган капитал маблағларига қараб ўз акцияларига эга бўладилар. Акциялар қийматига қараб фойдадан дивиденд оладилар.

Бизга маълумки, турли мулкчилик шаклларига асосланган иқтисодий тизимда етакчи тармоқларидан бири саноат тармоғи бўлиб, буни турли йўналишларда товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш учун юқори малакали олий маълумотли мутахассисларнинг тайёрланишидан кўриш мумкин.


Кичик тадбиркорлик корхоналарининг бозор иқтисодиёти қонунлари талаблари асосида ривожланиши мамлакат иқтисодий ривожланишини жорий давр ҳолатига ва иқтисодий тараққиётнинг таркибий тузилишига боғлиқ.

Бозор иқтисодиёти шароитида турли мулк шаклларига асосланган кичик тадбиркорликнинг ташкил топиши ва ривожланиб бориши ишлаб чиқариш жараёни субъектларини истеъмол бозорда рақобатдош ва ўз ўрнига эга бўлишини таъминлайди. Бунда,

ишлаб чиқаришдан олинган фойда ҳисобидан ишлаб чиқариш фаолиятларини ривожлантиришга ва ишлаб чиқариш ҳажмини ўсиб боришини таъминлашга ажратиладиган инвестиция маблағларининг маълум зарурий қисми ишлаб чиқариш жараёни инновацион ривожлантириб боришига ажратиш зарурати пайдо бўлади.

Жаҳон иқтисодиётида инновацион ривожланган мамлакатлардан Германия, Франция, Буюк Британия, АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Хитойга ўхшаган мамлакатлар иқтисодиётини барқарор ривожланиши асосан жаҳон истеъмол бозори талабларига жавоб берадиган инновацион товарларни ишлаб чиқариши билан изоҳланади.

Инновацион рақобатдош маҳсулот ва ишлаб чиқариш жараёни учун зарур бўлган техника ва ишлаб чиқариш технологияларини яратишнинг асосий омили кичик тадбиркорлик билан шуғулланувчи ишлаб чиқариш субъектларини ўзларининг нафақат иқтисодий, ташкилий, маънавий жиҳатдан билимларини ошириб боришига интилишларини ўсиб бориши билан бирга уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятларини илмий-техника марказлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришни ривожлантиришига асосланганлигидир, деб ҳисоблаш мумкин.



1-расм. Кичик бизнес корхоналари йирик ишлаб чиқариш хўжаликларига нисбатан иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий жиҳатдан устунлик даражаси

Манба: муаллиф ишланмаси асосида тайёрланди.

Кичик тадбиркорлик корхоналари ўзларининг фаолиятларини мустақил равишда олиб боришига, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни истеъмол бозорларида эркин келишув нархларида сотиш ҳуқуқига эгалиги, эркин равишда истеъмол товарларини ҳарид қилувчи субъектларни танлаб олиши мустақил равишда ўзаро субъектлар билан иқтисодий муносабатларни ўрнатишлари уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан бозор иқтисодиётининг мустақил субъекти эканлигини таъминлайди.

Бозор иқтисодиёти қонунларига, шу жумладан талаб ва таклиф қонунларига асосланган ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этиш,

ишлаб чиқаришда меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ўсиб боришини таъминлаш, уларнинг самарадорлигини оширишда кичик бизнес корхоналари йирик ишлаб чиқариш хўжаликларига нисбатан иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий жиҳатдан уларни устун даражада туришини инкор этмаслигимиз лозим. Бу устунликларни қуидаги 1-расм орқали кўриш мумкин.

Дарҳиқиқат, кичик бизнес субъектлари фаолияти йирик ишлаб чиқариш корхоналарига нисбатан иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан устунлик даражасига эга. Буни қуидаги расм орқали кўриш мумкин.

Кичик бизнес корхоналарини иқтисодий минтақалар хусусиятларига қараб, тезкорлик усулида ташкил этиш, уларнинг истеъмол талабларига қараб жойлаштириш, иқтисодий минтақалар шароитига тез мослашишини ташкил этиш ва якка ҳокимликка барҳам бериш

Кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини пастлиги, иш жойларини ўсиб бориши, тадбиркорлик рискини олиш даражасини устунлiği, инвестиция маблағларини доираний айланнишини тезлиги

Кичик бизнес корхоналарини ишлаб чиқариш йўналишларига қараб техник ва технологик жиҳатдан янгиликларни ўзлаштириш

Кичик бизнес корхоналари ўртасида хўжалик битимларини ташкил этиш хусусияти

Кичик бизнес корхоналарини сон жиҳатдан ўсиб боришини эркин ракобатни ривожлантириш асоси эканлиги

Кичик бизнес тадбиркорлигини хусусий маблағлар хисобига ташкил этилиши ундан самарали фойдаланишини таъминлайди

Кичик бизнес корхоналарини ишлаб чиқариш восита ва хом-ашёлар билан таъминланшини ўзига хос хусусияти

2-расм. Кичик бизнес корхоналарининг йирик корхоналарга нисбатан устунлик даражаси

Манба: муаллиф ишланмаси асосида тайёрланди.

Иқтисодчилар фикрига кўра, кичик бизнес ишлаб чиқариш жараёнида йирик бирлашмаларга бирлашиши иқтисодий жиҳатдан манфаатлидир. Йирик ишлаб чиқариш бирлашмаларига бирлашиш кичик бизнеснинг рқобатбардошлигини оширади. Чунки у янги, талабгор товарларни ишлаб чиқаришга тез мослаша олади.

Биз ушбу фикрга қўшилган ҳолда кичик ишлаб чиқариш корхоналарини, кичик бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорларни туманлар, вилоятлар ва республика даражасида маҳсус ишлаб чиқариш йўналишлари бўйича бирлашмаларини кластерлар тариқасида тузиш мақсадга тўғри бўлди деб ҳисоблаймиз. Бу бирлашмалар кичик бизнес ишлаб чиқа-

ришни ривожлантириш учун зарур бўлган инвестиция маблағлари билан, зарур инновацион-инвестицион хом-ашё ресурслари билан, ишлаб чиқариш воситалари билан, янги технологиялар билан, қоловерса, кичик бизнес тадбиркорлик корхоналари ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган товарларни экспорт қилиш масалалари билан, кичик бизнес иқтисодий ва ҳуқуқий томонларини турли рисклардан ҳимоя этиш билан шуғуланишлари зарур деб ҳисоблаймиз. Ишлаб чиқариш жараёнида тадбиркорлик фаолияти энг мураккаб ва қийин фаолият ҳисобланади. Шунинг учун ҳам асосий тадбиркорлик фаолиятлари кўпроқ савдо, умумий овқатланиш шоҳобчаларида аҳолига

маиший-маданий хизмат кўрсатиш, банк, пул-кредит тизими ва номоддий ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган тадбиркорликка нисбатан бу соҳаларда сарфланган инвестиция ва инновацион маблағларни қоплаш ва фойда олиш тезроқ амалга ошади.

Бугунги кунда миллий иқтисодий барқарорликни таъминлашда кичик бизнес субъ-

ектларини инвестициялашнинг аҳамияти катта бўлиб, уларни молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар таркиби қўйидаги жадвалда худудлар кесимида келтирилган (корхона ва аҳолининг ўз воситалари) жами фоизда.

1-жадвал

Кичик бизнес субъектларини молиялаштириш манбаалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар таркиби худудлар кесимида (корхона ва аҳолининг ўз воситалари), жами фоизда [12]

Худудлар	2010	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Ўзбекистон Республикаси	81,6	83,8	81,5	74,7	34,7	48,6	48,6	45,1	47,6
Қорақалпоғистон Республикаси	76,3	70,0	76,9	77,2	34,8	53,1	53,1	65,4	73,5
Андижон	87,8	91,0	88,3	82,5	36,4	51,2	51,2	47,7	58,5
Бухоро	78,6	88,4	89,4	81,8	33,2	47,5	47,5	43,8	44,9
Жиззах	87,4	78,2	80,7	67,2	17,9	20,1	20,1	38,4	43,5
Қашқадарё	83,0	86,4	84,1	87,6	24,7	56,7	56,7	60,9	62,6
Навоий	83,2	89,2	86,0	65,8	49,8	60,6	60,6	40,7	41,8
Наманган	93,9	87,5	70,6	79,3	40,2	45,6	45,6	39,5	41,7
Самарқанд	92,6	89,9	92,1	80,2	50,5	60,1	60,1	52,6	54,9
Сурхондарё	93,2	82,9	82,9	81,1	13,7	40,0	40,0	34,9	38,6
Сирдарё	71,5	76,8	65,3	52,5	18,8	27,2	27,2	23,3	27,1
Тошкент	75,4	85,9	80,8	66,9	42,4	46,6	46,6	37,4	38,1
Фарғона	85,8	82,1	85,6	83,6	35,2	50,2	50,2	47,3	53,2
Хоразм	89,5	88,6	87,1	89,6	38,7	42,7	42,7	48,9	53,2
Тошкент.ш	67,0	78,1	74,9	66,7	42,5	58,6	58,6	51,6	52,5

Мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинаётган фармон ва қарорлар республика минтақалари бўйича кичик бизнес ташкил этиш ва миллий иқтисодиётимизни иқтисодий жиҳатдан самарали ривожланишини таъминлаш асосида аҳолининг ижтимоий турмуш шароитларини яхшилаб боришида бозор иқтисодиёти шароитида асосий зарур бўлган моддий ва ижтимоий шароитларни яратишида амалга ошириб, иқтисодий ютуқларини кичик бизнесни кейинги йиллар ичida ривожланишини таҳлили асосида кўриш мумкин.

Республикамиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 21 августдан ПҚ-4812-сонли “Маҳаллий ишлаб чиқарувчilarни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида 2017-2019 йилларда иқтисодиётда ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 2,1 баробарига, шу жумладан марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига 2,8 баробар ортган. Ялпи ички маҳсулот таркибига инвестиция улуши 2016 йилдаги 21 фоиз-

дан 2019 йил якунига қўра 38 фоиздан кўпроққа ўсганлиги, давлат ташқи инвестиция ва ташқи савдода юқори фаоллик натижасида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларининг 1,24 баробарга, қурилишнинг 1,44 баробарига ўсишига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиши ялпи ички маҳсулот таркибида улуши 24,1 фоиздан 33,2 фоизга ўсишига олиб келган [12].

Бу қарорга асосан корхоналарнинг кузатув кенгашларидаги йиғилишларда давлат бошқаруви органлари мажлисларида умумий қиймати миқдори 50 минг баробардан юқори бўлган импорт товарлар (ишлар, хизматлар) ҳаридларининг асосланганлигига оид масалаларнинг кўрилишини таъминлайди ва ишлаб чиқариш заҳираларини, яъни тўпланиб қолган импорт товарларини ишлаб чиқаришга жалб қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқаришини таъминлаши белгилаб берилган.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар таркиби ўрганилганда, 2000-2022 йилдаги кўрсаткичлар вариатив эканлиги аниқланди.

Бу эса инвестицион фаолиятни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар олиб бориши лозимлигини кўрсатади. Иккинчи томонидан жалб этилган инвестиция қўшимча ишчи ўринларни яратишга хизмат қиласди.

Хулоса ва таклифлар. Миллий иқтисодий барқарорликни таъминлашда кичик бизнес субъектларини инвестициялаш борасида олиб борилган илмий тадқиқот натижаларига кўра қўйидаги хулосаларга келинди.

- бозор муносабатлари шароитида кичик бизнес субъектлари фаолиятини инвестициялаш ва инновацион ривожлантиришини талаб ва таклиф қонунлари асосида амалга ошириш кенгайтирилган тақорор ишлаб чиқаришни самарадорлигини таъминлайди;

- инвестиция иқтисодий категория бўлиб, улар ўзаро боғлиқликда миллий иқтисодиётни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан барқарор ривожланишини давлат томонидан белгиланган иқтисодий ва ижтимоий сиёс蒂га боғлиқ;

- иқтисодчи олимлар томонидан илмий-назарий материалларга асосланиб инвестициявий ишлаб чиқаришни ривожланишига берган хулосаларини ўрганиш асосида, миллий иқтисодиётни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожлантириш учун давлат бюджетидан, корхона ишлаб чиқариш жараёнида олган фойдасидан, тижорат банкларидан олинган кредитларидан ва хусусий тадбиркорлар жамғарма маблағларидан ташкил топган маблағларни инновацион ривожлантиришга йўналтирилган маблағларни инвестиция маблағлари деб ҳисоблаймиз;

- кичик бизнес субъектлари фаолиятини инвестиациялаштиришни инновациялар асосида ривожлантириш бўйича келтирилган илмий хулосаларини тан олган ҳолда, республиканинг иқтисодий минтақаларида жойлашган кичик бизнес субъектларини ЯИМ ўсиб боришидаги ҳиссани эътиборга олиб, инновацион ривожлантириш асосида уларнинг самарадорлигини ўсиб боришини таъминлаш,

иқтисодий минтақаларни ҳам иқтисодий ва ижтимоий барқарор ривожланишига олиб келади;

- миллий иқтисодиётни инвестициялашни рақамли иқтисодиёт талаблари асосида ривожлантириш кичик бизнес субъектлари фаолияти самарадорлигини ўсишига олиб келади;

- кичик бизнес субъектлари фаолиятини инвестициялаш орқали уларни ривожланиб боришини таъминлашга эришиш ва ишлаб чиқариш субъектлари бўлган кичик корхоналар билан истеъмолчи субъектлари ўтасида истеъмол бозори орқали иқтисодий муносабатларни ташкил этиш ва бозор талаблари асосида такомиллаштириб бориш зарур;

- инвестициялаш иқтисодий ва ижтимоий моҳиятига кўра иқтисодий интеграция билан боғлиқ бўлиб, у вертикал ва горизонтал иқтисодий интеграция кўринишида ифодаланади. Вертикал иқтисодий интеграция бир тармоқда корхона ишлаб чиқараётган тайёр товар маҳсулотини бир деталини ишлаб чиқаришга ихтисослашса, горизонтал иқтисодий инвестиция умум ишлаб чиқариш технологиясига асосланган ҳолда бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришда ифодаланади. Аммо вертикал интеграция корхона фойдасини ва инвестицияни ижтимоий-иктисодий самарадорлигини ўсишига олиб келади;

- бозор муносабатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда кичик бизнес субъектлари фаолиятини эркин рақобат асосида ривожлантириш янги иқтисодий самарали йўли деб ҳисоблаш мумкин;

- кичик бизнес субъектлари фаолияти самарадорлигини ўсиб бориши кенгайтирилган тақорор ишлаб чиқаришни инвестиациялашга боғлиқ бўлиб, асосий манбаи ишлаб чиқариш асосида олган фойдаси ҳисобланади. Уларнинг молиявий иқтисодий тизимини бозор шароитларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодий таҳлил қилиш зарур.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 21 августан ПҚ-4812-сонли “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-куватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.
- Мирзиёев Ш.М.Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
- Экономический словарь. М.: Проспект, 2001. 274-275 с.
- Экономический словарь. М.: Проспект, 2001. 275с.
- Чепурин М., Киселева С. Курс экономической теории. Киров, АСА, 1999, 568-570 б.
- Макконнелл Кэмпбелл Р., Флинн Шон Масака ва Брю Стэнли Л., “Экономикс: принципы, проблемы и политика” Учебник. Издательство: ИНФРА-М, 2022 г. –Т.: Республика, 1992, 210-214с.
- Макконнелл Кэмпбелл Р., Флинн Шон Масака ва Брю Стэнли Л., “Экономикс: принципы, проблемы и политика” Учебник. Издательство: ИНФРА-М, 2022 г. Т.: Республика, 1992, 136с.

8. Джумаев У.М. Инновационное предпринимательство как фирма устойчивого роста промышленного производства Республики Таджикистан // Автореферат дисер.уч.степ. кандидат экономических наук.-М.; 2010.-с.7.

9. Гозибеков Д. Инвестиция нима дегани? Бозор, пул ва кредит. 1999, № 9.40 б.

10. Mazkur ta'rif K.B.Sharipovning "Mamlakatda kichik tadbirkorlik tarkibiy tuzilmasini takomillashtirishning ilmiy-metodologik asoslari" mavzusidagi iqtisodiyot fanlari doktori ilmiy darajasini olish uchun tayyorlangan dissertatsiyasi materiallari taqdimotidan olingan. – Т., TDIU, 2022.

11. chrome-

extension://efaidnbmnnibpcjpcglclefindmkaj/https://cbu.uz/upload/medialibrary/d0d/Markaziy-bankning-2019-yil-uchun-hisoboti.pdf

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги 2023 йил.



KICHIK BIZNES VA TADBIRKORLIK SUB'EKLARIDA BIZNES JARAYONLARINI TO'G'RI BAHOLASH VA TASHKIL ETISHNING USLUBIY VA RAQAMLI ASOSLARI

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss1/a51

Nutfulloev Tolib G'olib o'g'li

"Biznes boshqaruvi va logistika"

kafedrasi assistenti

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

Annotatsiya. Maqolada o'rganilayotgan ilmiy materiallar asosida biznes jarayonlarini tashkil etishning metodologik asoslari ko'rib chiqiladi, ular hozirgi kunda biznesda qo'llaniladigan strategiyalar to'g'risida ma'lumot beradi. sifat va miqdoriy jihatdan tahlil qilinadi. To'g'ri o'tkazilgan metodologik tahlil natijasida to'siqlarni bartaraf etish, korxonadagi jarayonlarni samarali tashkil etish va ularga sub'yektiv baho berish, ularni takomillashtirish tartibini aniqlash imkoniyati paydo bo'ladi. Bundan tashqari, ushbu maqola raqamli texnologiyalar va boshqaruvning yangi usullarini qo'llash biznesga qanday yordam berishiga bag'ishlangan. Bularning barchasi bugungi shiddatli raqobat sharoitida tadbirkorlar uchun muvaffaqiyat omili bo'lib xizmat qilmoqda.

Kalit so'zlar: tadbirkorlik sub'yektlari, biznes jarayonlari, tadbirkorlik, raqamlashtirish, sifat tahlili, miqdoriy tahlil, iste'molchi xulq-atvori, raqobatbardoshlik, asosiy ko'satkichlar, baholash, raqamli transformatsiya.

МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ И ЧИСЛЕННЫЕ ОСНОВЫ ПРАВИЛЬНОЙ ОЦЕНКИ И ОРГАНИЗАЦИИ БИЗНЕС-ПРОЦЕССОВ В СУБЪЕКТАХ МАЛОГО БИЗНЕСА И ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

Нутфуллоев Толиб Голиб угли

Ассистент кафедры «Бизнес-администрирование и логистика» Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В статье на основе изученного научного материала рассмотрены методологические основы организации бизнес-процессов, представлена информация о стратегиях, используемых при организации бизнес-процессов, и о том, как они могут быть анализируются качественно и количественно. В результате правильного методологического анализа появится возможность устранить узкие места, эффективно организовать процессы на предприятии и дать им субъективную оценку, определить порядок их совершенствования. Кроме того, в этой статье рассказывается, как использование цифровых технологий и новых методов управления помогает бизнесу. Все это служит фактором успеха предпринимателей в современной жесткой конкуренции.

Ключевые слова: субъекты хозяйствования, бизнес-процессы, предпринимательство, цифровизация, качественный анализ, количественный анализ, поведение потребителей, конкурентоспособность, конкуренция, ключевые цифры, оценка, организация, цифровая трансформация.